

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
PhD03/30.06.2020.В.70.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**АЧИЛОВА НАРГИЗА ТУХТАНАЗАРОВНА**

**СУРХОН-ШЕРОБОД БОТАНИК-ГЕОГРАФИК РАЙОНИ  
ФЛОРАСИ**

**03.00.05 – Ботаника**

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Қарши – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Ачилова Наргиза Тухтаназаровна**

Сурхон-Шеробод ботаник-географик райони флораси .....5

**Ачилова Наргиза Тухтаназаровна**

Флора ботанико-географического района Сурхан-Шерабад.....21

**Achilova Nargiza Tuxtanzarovna**

Flora of Surkhan-Sherabad botanical-geographical region.....39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....43

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.06.2020.В.70.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**АЧИЛОВА НАРГИЗА ТУХТАНАЗАРОВНА**

**СУРХОН-ШЕРОБОД БОТАНИК-ГЕОГРАФИК РАЙОНИ  
ФЛОРАСИ**

**03.00.05 – Ботаника**

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Қарши – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.PhD/B239 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Жиззах давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (<http://qarshidu.uz>) ҳамда “Ziyonet” ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Хасанов Фуркат Орунбаевич**  
биология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Ўзиев Лутфулло Ҳабибуллаевич**  
биология фанлари доктори, профессор

**Тажетдинова Диларом Мнажатдиновна**  
биология фанлари номзоди

**Етакчи ташкилот:**

**Гулистон давлат университети**

Диссертация ҳимояси Қарши давлат университети ҳузуридаги илмий даража берувчи PhD.03/30.06.2020.В.70.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил “\_\_” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 180103, Қарши шаҳар, Кўчабоғ кўчаси, 17-уй. Тел.: (99875) 221-21-27).e-mail: [qardu@mail.ru](mailto:qardu@mail.ru); [kshaniyaz@bk.ru](mailto:kshaniyaz@bk.ru). Қарши давлат университети, Физика-математика факультети, 102-хона.

Диссертация билан Қарши давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ \_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Қарши шаҳар, Кўчабоғ кўчаси, 17-уй. Тел.: (99875) 221-21-27).e-mail: [qardu@mail.ru](mailto:qardu@mail.ru); [kshaniyaz@bk.ru](mailto:kshaniyaz@bk.ru).

Диссертация автореферати 2021 йил “\_\_” \_\_\_\_\_ кун тарқатилди.  
(2021 йил “\_\_” \_\_\_\_\_ даги № \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Ш.Қ. Қурбонов**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш  
раиси, б.ф.д., профессор

**Ш.А. Саматова**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, б.ф.н., доцент

**Л.Ҳ. Ёзиев**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

## КИРИШ(фалсафа доктори (PhD) Диссертация аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда ҳозирги кунда биохилма-хилликни сақлаш асосий глобал муаммолардан бири бўлиб, сўнгги йилларда турли хил биотик, абиотик ва антропоген омиллар таъсирида бундай муаммолар сони ортиб бормоқда. Америка биохилма-хилликни сақлаш маркази мутахассислари томонидан ер юзи флора ва фаунасида ҳар соатда тахминан 3 та турнинг бутунлай йўқолиш арафасида турганлиги, уларнинг айримлари олимлар томонидан тўлиқ кашф этилмасдан йўқолиб кетаётгани тўғрисида маълумот берилмоқда. Шу нуқтаи-назардан, инвентаризациялашнинг замонавий усуллари асосида локал флоралар ҳолатини баҳолаш ва камёб ҳамда эндем турларни сақлаб қолиш чораларини ишлаб чиқиш муҳим амалий аҳамият касб этади.

Жаҳонда локал флораларнинг хилма-хиллигини аниқлаш, йўқолиш хавфи остида қолган турларни асраб қолиш ва уларни муҳофаза қилишга бағишланган халқаро дастурларни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Бу борада маҳаллий флораларни инвентаризациялашнинг янги самарали усуллари ишлаб чиқилган. Маҳаллий флораларда турларнинг тарқалишини акс эттирувчи тўр хариталарини тузиш ва йўқолиш хавфи остида қолган ўсимликларни сақлаб қолишни амалиётга жорийлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ҳозирги кунда республикамизда маҳаллий флоралардаги турларнинг таркибини аниқлаш ва уларни муҳофаза қилишга, ўсимлик хом ашёси захираларини баҳолаш учун республика флораси маълумотларининг электрон базаси яратилган, камёб турларни *ex-situ* усулда сақлаб қолиш амалиёти жорийлаштирилган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида<sup>1</sup> “... атроф-муҳитга зарар етказувчи экологик муаммоларнинг олдини олиш” вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, Сурхон-Шеробод ботаник-географик райони флорасининг ҳам таксономик таркибини аниқлаш, турларнинг тарқалишини акс эттирувчи тўр тизимли хариталар орқали баҳолаш, сони камайиб, йўқолиб бораётган турларни сақлаб қолиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 ноябрдаги 914-сон “Ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектларининг давлат ҳисобини, улардан фойдаланиш ҳажмлари ҳисобини ва давлат кадастрини юритиш тўғрисида”, 2018 йил 19 декабрдаги №1034-сон “Ўзбекистон Республикаси Қизил Китобини тайёрлаш, нашр этиш ва юритишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ва 2019 йил 11 июндаги 484-сон “2019-2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида биологик хилма-хилликни сақлаш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Табиий ҳудудлар флорасининг таҳлили ва флористик конспектини тузишга қаратилган тадқиқотлар хорижлик олимлар V.Funk et al. (2013), C.S. Chang et al. (2014), G.B. Bruce et al. (2017), эндем турларнинг тарқалиши бўйича тадқиқотлар L. Peruzzi & al. (2014), F. Memariani et al. (2016), МДХ мамлакатларида табиий флораларни ўрганишга қаратилган тадқиқотлар А.П. Серегин (2013-2014), А.А. Ивашенко (2017), А.Л. Иванов (2019), В.М. Валюков, С.В. Саксонов (2020) ва бошқа шу каби флористик ишларда кўришимиз мумкин. Ўрта Осиёнинг тоғли қисмидаги маҳаллий флораларни комплекс таҳлиliga бағишланган тадқиқотлар Р.В. Камелин (1990), Г.А. Лазьков, Б.А. Султанова (2014), Н.М.Сафаров (2017) ва бошқаларнинг илмий асарларини келтириш мумкин. Ўзбекистонда флористик тадқиқотлар К.Ш. Тожибаев (2010), Ф.О. Хасанов, А.С. Эсонкулов, М.Б. Тиркашева (2013), А.Р. Батошов (2016), О.Т. Тургинов (2017), Д.Э. Азимова (2018), У.Ҳ. Қодиров (2020) ва бошқалар томонидан олиб борилган.

Сурхон-Шеробод ботаник-географик райони флорасига бағишланган илмий маълумотлар етарли эмас. Олиб борилган аксарият тадқиқотлар ҳам ўсимликлар қопламига бағишланган. Шу билан бирга, мазкур минтақадан кўпгина гербарий намуналари ҳам йиғилган, турли йиллар давомида йиғилган намуналар йирик гербарий фондларида сақланмоқда. Ҳудуд флорасидан гербарий тўплаган асосий коллекторлар сифатида М.М. Культасов (1914), М.Г. Попов (1915), А.И. Введенский (1927), В.Пазий (1931), Н.А. Меркулович (1931), В.П. Бочанцев, С. Лепешкин (1930), В. Тарасевич (1932), Е.М. Демурина (1934), А.А. Архиреев (1940), П.А. Гомолицкий (1941), О.Н. Бондаренко (1948), Е.Е. Короткова (1953), И.Г. Грингоф (1958), С. Халиков (1964), М.М. Набиев, Г.М. Шерматов, Ш.М. Казакбаев (1972) қайд этилган. Олиб борилган изланишлар Сурхон-Шеробод ботаник-географик райони флорасининг тўлиқ тур таркибини аниқлаш ва унинг Ўрта Осиёдаги ботаник-географик ўрнини белгилаш имконини бермайди.

Шу нуқтаи назардан тадқиқот ҳудуди ўсимликларининг тур таркибини аниқлаш, флоранинг замонавий конспектини тузиш, кенг қўламли таҳлилларини амалга ошириш, камёб ва эндем турларнинг ҳолатини баҳолаш, турларнинг тарқалишини акс эттирувчи тўр тизимли (ГАТ) хариталарини тузиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ботаника институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ПЗ-20170925347

“Зарафшон тизмаси ғарбий тармоқлари флорасини тўр тизимли хариталаш ва алоҳида аҳамиятга эга ботаник ҳудудларни аниқлаш” (2018-2020) амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Сурхон-Шеробод ботаник-географик райони флораси тур таркибини инвентаризациялаш, таҳлил қилиш ва турларнинг тарқалишини акс эттирувчи тўр тизимли харитасини яратишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

флоранинг таксономик таркибини аниқлаш, замонавий конспектини тузиш;

флоранинг кенг кўламли таҳлилин аналга ошириш;

камёб, йўқолиб бораётган ва эндем турларнинг таркибини аниқлаш, ўсиш майдонларининг хариталарини тузиш;

тадқиқот ҳудудининг Жануби-ғарбий Ҳисор округида тутган ўрнини асослаш;

аниқланган ўсимлик турларининг тарқалишини акс эттирувчи тўр тизимли хариталарини яратиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Сурхон-Шеробод ботаник-географик райони флорасининг юксак ўсимликлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни Сурхон-Шеробод ботаник-географик райони флорасининг конспекти, таксономияси, географияси, флоранинг қиёсий таҳлили ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда флористиканинг маршрутли, ярим стационар, систематик, солиштирма, географик, биоморфологик усуллари, шунингдек, ГАТ (геоахборот) хариталар тузишнинг замонавий усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қўйидагилардан иборат:

Сурхон-Шеробод ботаник-географик райони флорасининг 66 оила ва 362 туркумга мансуб 802 турни ўз ичига олувчи замонавий таркиби аниқланган, конспекти тузилган ва умумий турларнинг тарқалишини акс эттирувчи тўр тизимли ГАТ хариталари яратилган;

илк бор турлар таркибига Помир-Олой флораси учун 2 та (*Amoria bonannii*, *Paspalum dilatatum*), тадқиқот ҳудуди учун 2 та (*Allium dolichomischum*, *Ephedra strobilacea*) ва фан учун 5 та (*Plocama alshehbazii* F.O. Khass., D. Khamr., U. Khuzh. & Achilova, *Iris victoris* F.O.Khass, Khuzhan. & Rakhimova, *Iris petri* F.O.Khass., Rakhimova & Achilova, *Iris rudolphii* F.O.Khass., Esankulov & Achilova, *Allium nikolai* F.O. Khass. et Achilova) янги тур киритилган ва уларнинг ўсиш жойлари белгиланган;

флорада Палеарктик, Помиролой ҳамда Қадимийўртаерденгизи ареал синфларига мансуб турларнинг устунлик қилиши аниқланган;

флора таркибидаги *Plocama alshehbazii* F.O. Khass., D. Khamr., U. Khuzh. & Achilova ва *Iris victoris* F.O.Khass.нинг йўқолиш арафасида турганлиги, *Astragalus rubrigalli* Роровнинг камёб реликт тур эканлиги ва *Cousinia spryginii* Kult.нинг кичик майдонларда сақланиб қолганлиги қайд этилган ҳамда 28 та камёб ва эндем турларининг локалитети аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоби”нинг навбатдаги (2019) нашри учун *Iris victoris* F.O.Khass., *Plocama alshehbazii* F.O. Khass., *D. Khamr.*, *U. Khuzh.* & *Achilova*, *Astragalus rubrigalli* Popov ва *Cousinia spryginii* Kult. камёб ва эндем турлари тўғрисида янги маълумотлар тақдим этилган;

Сурхон-Шеробод ботаник-географик райони флорасидаги Ўзбекистон “Қизил китоб”ига киритилган 18 турнинг ҳолати ва уларни муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** флористик тадқиқотларнинг замонавий усуллари қўлланилганлиги ва янги топилмалар ҳақидаги маълумотларнинг етакчи маҳаллий ва хорижий нашрларда чоп этилганлиги, олинган маълумотларнинг botanu.uz ахборот-таҳлил тизимига ва Давлат табиатни муҳофаза қилиш ташкилоти фаолиятига киритилганлиги, йиғилган гербарий намуналарининг Ўзбекистон Миллий гербарийи (TASH), Москва (MW), Санкт-Петербург (LE) ва Самарқанд давлат университетининг гербарий фондларида сақланаётган намуналар билан таққосланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Сурхон-Шеробод ботаник-географик райони флорасининг аниқ мақсадли ўрганилганлиги, флоранинг замонавий конспекти тузилганлиги, комплекс таҳлили амалга оширилганлиги, Сурхон-Шеробод ботаник-географик райони флорасининг ўзига хос хусусиятларини аниқланганлиги, ўрганилган флора ва унга ёндош ҳудудлар учун янги флористик топилмаларнинг келтирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Сурхондарё вилояти Шеробод, Жарқўрғон, Қумқурғон туманлар ҳудудларида тарқалган ўсимлик турларини муҳофаза қилиш ва республикамизнинг ботаник-географик ҳудудларини тўр тизимли хариталаш усулида баҳолаш тадқиқотларини кенг йўлга қўйишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Сурхон-Шеробод ботаник-географик райони флорасини тадқиқ қилишда олинган илмий натижалар асосида:

Сурхон-Шеробод ботаник-географик райони флорасининг 66 оила ва 362 туркумга мансуб 802 турни ўз ичига олувчи замонавий таркибига оид хулосалар, “Қизил китоб”га киритилган турларнинг локалитети ва тўр тизимли хариталари Сурхондарё вилояти Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат бошқармаси амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2021 йил 5 февралдаги 04-02/8-213-сон маълумотномаси). Натижада Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоби”ни (2019) камёб янги тур маълумотлари билан тўлдириш ҳамда 18 та камёб ва эндем турлар тарқалган ҳудудларни аниқлаш ва улар популяцияларини муҳофаза қилиш чораларини ишлаб чиқиш имконини берган;

Сурхон-Шеробод ботаник-географик райони флорасидан 503 турнинг

908 та гербарий намуналари Ботаника институти Ўзбекистон Миллий гербарийси (TASH) республика ноёб илмий объекти фондига топширилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2020 йил 26 ноябрдаги 4/1255-2634-сон маълумотномаси). Натижада, гербарий намуналари ноёб объектнинг Ўрта Осиё бўлими ва Ғарбий Ҳисор ботаник-географик округи ўсимликлари коллекциясини бойитган ва *botany.uz* маълумотлар электрон базасини бойитиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш нашр этилган, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, ҳажми 109 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Сурхон-Шеробод ботаник-географик райони флорасининг конспекти”** деб номланган биринчи боби Сурхон-Шеробод ботаник-географик районида олиб борилган тадқиқотлар тарихи ва таҳлили, тадқиқот усуллари, флора конспекти структураси ва ҳудудда аниқланган янги флористик топилмалар натижаларига бағишланган.

Бобнинг биринчи бўлимида мазкур ҳудудда олиб борилган ботаник изланишларнинг таҳлили келтирилган. Ҳозирга қадар Сурхон-Шеробод ва унга чегарадош ҳудудлардан 2500 дан ортиқ гербарий намуналари йиғилган. Гербарий намуналарининг асосий қисми 1914 йилда М. Культасов, 1915 йилда М. Попов, 1927 йилда А. Введенский, В. Бочанцев, 1930 йилда С. Лепешкин, 1931 йилда В. Пазий, 1931 йилда Н. Меркулович, 1932 йилда В. Тарасевич, 1934 йилда Е. Демурина, 1940 йилда А. Архиреев, 1941 йилда П. Гомолицкий, 1948 йилда О. Бондаренко, 1953 йилда Е. Короткова, 1958 йилда И. Грингоф, 1964 йилда С. Халиков, 1972 йилда М. Набиев, Г. Шерматов,

Ш. Казакбаев томонидан йиғилган. Ўсимликлар қопламанинг тузилишини ва уларнинг хариталарини тузиш Н.А. Меркулович (1931), Л.И. Поповалар (1940-1941) томонидан олиб борилган. Шунга қарамасдан, мазкур ҳудуднинг тўлиқ ва мақсадли флористик рўйхати тўлиқ шакллантирилмаган. Бу эса, нафақат Ўзбекистон, балки Ўрта Осиё ўсимликлар хилма хиллигини ўрганишга қаратилган тадқиқотларнинг бўшлиғи ҳисобланади.


Бобнинг иккинчи бўлимида тадқиқот объекти ва методлари келтирилган бўлиб, дала тадқиқотларида терилган гербарий намуналарининг таксономик бирликларини аниқлашда “Ўрта Осиё ўсимликларини аниқлагичи” (Определитель растений Средней Азии) (1963-2015), “Ўзбекистон флораси” (Флора Узбекистана) (1941-1962; 2016-2019), “СССР Флораси” (Флора СССР) (1934-1964), “Тожикистон Флораси” (Флора Таджикистана) (1957-1991) асарларидан фойдаланилган. Йирик таксонлар ўсимлик дунёсининг замонавий филогенетик тизимига асосан: Polypodiophyta бўлими Christenhusz & al., (2011) томонидан ишлаб чиқилган тизим бўйича, Gymnospermae бўлими Christenhusz & al., (2011) тизими бўйича, Angiospermae бўлимининг тартиби, оилалари, туркумлари эса замонавий APG IV (2016) тизимига асосан жойлаштирилган.

Флора конспектида 66 оила 362 туркумга мансуб 802 турнинг чоп этилган илк манбаси, ҳаётий шакли, ареал типи, экологик макони, хўжаликдаги аҳамияти ва гербарий намуналарининг коллекторлари келтирилган.

Дала тадқиқотлари ва Ўзбекистон Миллий Гербарийси (TASH) фондида сақланаётган гербарий намуналари таҳлили натижасида Помир-Олой тоғлари флораси учун 2 тур, ҳудуд учун 2 тур, фан учун янги 5 тур келтирилган.

**Янги флористик топилмалар.** Олиб борилган дала тадқиқотлари ва Ўзбекистон Миллий гербарий фондида сақланаётган гербарий намуналарини таҳлили натижасида Помир-Олой тизмаси учун илгари келтирилмаган 2 тур (*Amoria bonanii* (C. Persl.) Roskov, *Paspalum dilatatum* Poir.), Сурхон-Шеробод ботаник-географик райони учун илгари келтирилмаган 2 тур (*Allium dolichomischum* Vved., *Ephedra strobilacea* Bunge.) аниқланган, олиб борилган дала тадқиқотлари давомида тадқиқот ҳудудидан фан учун янги 5 тур: *Plocama alshehbazii* F.O. Khass., D. Khamr., U. Khuzh. & Achilova, *Iris victoris* F.O.Khass., Khuzhan. & Rakhimova, *Iris petri* F.O.Khass., Rakhimova & Achilova, *Iris rudolphii* F.O.Khass., Esankulov & Achilova, *Allium nikolai* F.O. Khass. et Achilova аниқланган.

Помир-Олой учун аниқланган турлар *Amoria bonanii* (C. Persl.) Roskov (*Fabaceae*) Муёнқум, Қизилқум ва Қорақумнинг жануби шарқий қисми, Фарғона водийси, Фарбий Тёншонда тарқалган деб адабиётларда келтирилган. Олиб борилган дала тадқиқотларимиз ҳамда фондда сақланаётган намуналарни таҳлил қилишимиз давомида турнинг тадқиқот ҳудудидан терилган намуналари мавжудлиги аниқланди: “Юго-западный Памироалай. Окрестности г. Денау. Лесной питомник по обочинам арыков и полей. 19.06.1936. Лепешкин, Мухамеджанов” (1-расм).




1-расм. *Amorita bonannii* (C. Persl.) Roskovning СШБГРда янги ўсиш жойи  
1-классик ўсиш жойи, 2-янги ўсиш жойи

*Paspalum dilatatum* Poir. (Poaceae), келтирилган маълумотларга кўра, Тошкент шаҳри атрофида тарқалаган. TASH фондида сақланаётган материаллар орасида турнинг Сурхон-Шеробод ботаник-географик райони флорасидан йиғилган намуналари мавжудлиги аниқланди: “Сурхандарьинская область. Джаркурганский район колхоз им Ахунбабаева в мелких оросителях. 19.07.1973. Муратов С.” (2-расм).


Сурхон-Шеробод ботаник-географик райони учун аниқланган турлар:

*Allium dolichomischum* Vved. (Amaryllidaceae). Адабиётларда келтирилган маълумотларга кўра, мазкур тур Чўлбаир тоғи ва Тупаланг дарёси хавзасида тарқалган.

Лекин тадқиқот ҳудудида учраши тўғрисида маълумотлар етарли эмас. Олиб борилган дала тадқиқотларимизда мазкур тур, тадқиқот ҳудудининг Оқтош қишлоғи атрофидаги олажинсли ёнбағирликларда аниқланди: “Южный Памиро Алай, Келиф-Ширабадская гряда, 7 км юж. Акташ, пестроцветы 1989.06.9. Камелин, Хасанов” (3-расм).




2-рaсм. *Paspalum dilatatum* Poir.нинг СШБГРда янги ўсиш жойи  
1-классик ўсиш жойи, 2-янги ўсиш жойи



3-рaсм. *Allium dolichomischum* Vved.нинг СШБГРда янги ўсиш жойи  
1-классик ўсиш жойи. 2-Тургинов О.Т. намуналари (ББГР), 3-янги ўсиш жойи

*Ephedra strobilacea* Bunge Beitr. (*Ephedraceae*). Мазкур тур Орол буйи, Қизилқум, Қорақум, Султонувайстоғ тоғ олди худудларида, Сирдарё дарё хавзаси, Вахш ва Кофирниган, Бадхиз, Копеттоғда тарқалган. “TASH” фондида сақланаётган намуналар орасида СШБГРдан терилган бир қанча гербарий намуналари мавжудлиги аниқланди: “Ширабадская долина к Гарма, Уч-кызыл к Айны, Гомолицкий, 18.09.1941, sn”, “Сурхан-Дарынская обл. Термизский район.к вост.от.кол.им Чкалова.Глинисто-песчаная равнина, Гомолицкий, 18.05.1941, n<sup>0</sup>113”, “Сурхандарынская обл. Термиз район на берегу р. Аму-дарья пески, Гомолицкий, 16.05.1941, n<sup>0</sup>94”, “Сурхандарынская обл. Термиз р-н к северу от Термиза по дороге к кишл. Каптархана. Закрепление пески, Гомолицкий, 02.07.1941, n<sup>0</sup>403”, “Пески Каттакум задернованные пески, Маркова, 13.05.1962, sn”, “Ширабадская долина к Гарма 2 я Уч-кызыл к Айны, Гомолицкий, 18.09.1941, sn”, “УзССР Сурхандарынская обл близ г.Термез в 18 км ,севернее,близ дороги на Шерабад, песчаная пустыня, Короткова Е.Е, 18.05.1954, №4384-4416”, “Пестроцветные низкогорья между г.г. Байсун и Денау.окр.зим. Таш-как, Бочанцев В. и Введенский А., 1.05.1930, №30” (4-расм).



**4-расм.** *Ephedra strobilacea* Bungeнинг СШБГРда янги ўсиш жойи  
1-классик ўсиш жойи, 2-Гомолицкий намуналари, 3-Маркова намуналари,  
4- Короткова Е.Е. намуналари, 5-янги ўсиш жойи

**Фан учун янги турлар.** *Plocama alshehbazii* F.O. Khass., D. Khamr., U. Khuzh. & Achilova, Stapfia 2014, 101:25. 2013 йилда олиб борган изланишларда аниқланилган: Kelif-Sherobod range; 25 km eastern town

Bajssun, grey clays; N38 04 50 89, E67 26 26 77. (Type TASH, isotype MBG).

*Iris victoris* F.O. Khass., Stapfia 2013, 99:207. Мазкур тур ҳам 2013 йилда олиб борган изланишларимизда аниқланган навбатдаги янги тур ҳисобланади. Олиб борган дала тадқиқотларимизда мазкур тур тадқиқот ҳудудининг Кўхитанг ботаник-географик райони билан чегарадош бўлган ҳудуддан аниқланган: Uzbekistan, Kelif-Sherobod range; nearby village Aktash, grey clays; N 37 33 08 01, E 66 41 29 44. 2.03.2013. F.O.Khassanov, U.Khuzhanazarov & N. Achilova (Holotype TASH).

*Iris petri* F.O. Khass., Rakhimova & Achilova, Stapfia 2014, 101:19. 2014 йилда олиб борилган дала тадқиқотларида фанга киритилган янги турларнинг навбатдагиси. Мазкур тур тадқиқот ҳудудининг Бойсун ботаник-географик райони билан чегарадош бўлган ҳудуддан терилган: Kelif-Sherobod range; 25 km eastern town Bajssun, grey clays; N 38<sup>0</sup>33 50 84, E 67 26 18 58. 860 m. s. 1.; 18.3.2014; F.O. Khassanov et al. (Type TASH, isotype MBG).

*Iris rudolphii* F.O. Khass., Esankulov & Achilova, Stapfia, 2013, 99:207. 2013 йилда тадқиқот ҳудудида олиб борган дала изланишларимизда, *Iris rudolphii* фан учун янги тур сифатида баҳоланди ва морфологик белгилари таққосланиб, янги тур сифатида фанга киритилди (Kelif-Sherobod range; nearby village Aktash, red sands; N37 32 075, E66 42 11 66; 500 m.s.l. (Holotype: TASH). Мазкур тур, буюк ботаник олим Рудольф Камелин номини абадийлаштириш мақсадида *Iris rudolphii* деб номланган.

*Allium nikolai* F.O. Khass. et Achilova (Sect. Brevidentia F.O. Khass. et Yengal). Opr.Ras.Sr.Azi. XI:497. 2015. Бевосита олиб борилган дала тадқиқотларида аниқланган янги турлар. Мазкур тур ҳудуднинг Бойсун ботаник-географик райони билан чегарадош бўлган ҳудуддан аниқланган: Uzbekistan, 25 km eastern Bajssun town, gypsaceous slopes under the shrubs, 23.06.2013, Khassanov et al. (TASH).

Диссертациянинг **“Сурхон-Шеробод ботаник-географик райони флорасининг кенг кўламли таҳлили”** деб номланган иккинчи бобида флоранинг таксономик, биоморфологик, географик ва қиёсий таҳлил натижалари келтирилган.

Бобнинг биринчи бўлими флоранинг таксономик таҳлиliga бағишланган. Сурхон-Шеробод ботаник-географик районида кўпгина тадқиқотчилар томонидан ботаник тадқиқотлар олиб борилганлигига қарамасдан мазкур ҳудуд флорасининг тур таркиби аниқланмаган. Диссертация тадқиқотининг натижасига кўра, Сурхон-Шеробод ботаник-географик райони флораси 66 оила 362 туркумга мансуб 802 тур юксак ўсимликлардан иборат эканлиги аниқланган ва 1-жадвалда натижалар келтирилган.

**Сурхон-Шеробод ботаник-географик райони флорасидаги ўсимликлар асосий систематик гуруҳларининг ўзаро нисбати**

Таксонлар	Турлар сони	Умумий турлар сонига %	Туркум сони	Умумий туркумлар сонига %	Оилалар сони	Умумий оилалар сонига %	Нисбат
<i>Equisetophyta</i>	2	0,25	1	0,28	1	1,53	1:1:2
<i>Pinophyta</i>	2	0,25	1	0,28	1	1,53	1:1:2
<i>Magnoliophyta:</i>	798	99,5	360	99,44	64	96,96	1:5,5:12,09
<i>Monocots</i>	158	19,7	69	19,06	15	22,72	1:1,04:2,4
<i>Eucots</i>	640	79,8	291	80,38	49	74,24	1:4,4:9,7
Жами:	802	100	362	100	66	100	1:5,5:12,2

Флора таркибидаги Споралилар 1 оила 1 туркумга мансуб 2 тур, Очик уруғлилар 1 оила, 1 туркумга мансуб 2 тури тарқалган. Ёпиқ уруғлилар 64 оила 360 туркумга мансуб 798 турдан иборат бўлиб, жами турларнинг 99,5%ини ташкил этади. Булардан бир уруғпаллалилар (*Monocots*) 15 оила 69 туркумга мансуб 158 тур, икки уруғпаллалилар (*Eucots*) 49 оила 291 туркумга мансуб 640 турдан иборат. Бир уруғпаллали ва икки уруғпаллалиларнинг умумий нисбати 1:5,5:12,09 ташкил қилган. Мазкур флорада ўртача битта оилага 5,5 туркум ва 12,2 тур тўғри келади, умумий кўрастгич 1:5,5:12,2 тенг. Мазкур ҳолатдан Тоғли Ўрта Осиёдаги айрим маҳаллий флоралардан кам эмаслигини кўриш мумкин. Масалан Варзоб флораси 1:5,59:15,5 (Камелин, 1973), Бойсун ботаник-географик район флораси 1:5,88:17,57 (Тургинов, 2017), Молгузар тизмаси флорасидан 1:6,05:16,1 (Азимова, 2018) кам бўлмаса, географик жиҳатдан ўзаро ўхшаш бўлган Жануби-шарқий Қизилқум қолдиқ тоғлари флорасидан кам эмаслиги кўриш мумкин 1:5,14:11,31 (Батошов, 2016).

Сурхон-Шеробод ботаник-географик райони флораси таркибида кўп турга эга бўлган етакчи полиморф оилалар қаторига 15 тадан ортиқ турга эга бўлган 15 оила олинган. Мазкур оилаларда жами 599 тур жамланган бўлиб, 74,69% ни ташкил этади. Қолган оилалар 203 тур (25,31%)ни ташкил этади. Ушбу кўрсаткичлар Тоғли ўрта Осиё провинциясига хос бўлган белгиларни акс эттиради.

Етакчи оилалар қаторини *Asteraceae* (116 тур – 14,46%), *Fabaceae* (73 – 9,10%), *Roaceae* (68 – 8,48%), *Brassicaceae* (67 – 8,35%), *Amaranthaceae* (52 – 6,48 %), *Lamiaceae* (36 – 4,49%), *Apiaceae* (28 – 3,49%), *Boraginaceae* (27 – 3 36%) *Caryophyllaceae* (26 – 3,24%) ва бошқа оилалар ташкил қилади. Умумий олиб қаралганда, СШБГР флорасидаги етакчи полиморф оилаларнинг биринчи ва иккинчи учлигидан жамланган турлар умумий флоранинг (412 тур) 51,37 %ни ташкил этса, қолган 9 оиладаги турлар (187 тур) 23,31 %ни ташкил қилади. Дастлабки 10 оила 515(64,13 %) тур билан номоён бўлади. Маълумотлар 2-жадвалда келтирилган.

**Сурхон-Шеробод ботаник-географик райони флорасининг  
етакчи оилалари спектри**

№	Оилалар	Туркум сони	Тур сони	%
1	Asteraceae	53	116	14,46
2	Fabaceae	20	73	9,1
3	Poaceae	40	68	8,47
4	Brassicaceae	37	67	8,35
5	Amaranthaceae	26	52	6,48
6	Lamiaceae	19	36	4,49
7	Apiaceae	18	28	3,49
8	Boraginaceae	17	27	3,36
9	Caryophyllaceae	10	26	3,24
10	Cyperaceae	9	21	2,61
11	Ranunculaceae	6	18	2,24
12	Euphorbiaceae	3	18	2,24
13	Plantaginaceae	6	17	2,12
14	Amaryllidaceae	1	17	2,12
15	Liliaceae	3	15	1,87
	<b>Жами:</b>	<b>268</b>	<b>599</b>	<b>74,69</b>
	<b>Қолган оилалар</b>	<b>94</b>	<b>203</b>	<b>25,31</b>
	<b>Жами:</b>	<b>362</b>	<b>802</b>	<b>100</b>

Флора учун полиморф саналган оилалар флоранинг негизини ташкил этиши билан бирга флоранинг қандай ҳолатда эканлиги билиш имконини беради. Мазкур флорада ўзига хос бўлган, текислик ва тоғли флорани ўзаро боғлаб турувчи, асосий кўприк вазифасини бажарувчи элементлар мавжуд эканлиги билан ҳам изоҳланади.

Олиб борилган тадқиқотларнинг натижалари флора таркиби 362 туркумдан иборатлигини асослайди. Статистик таҳлилларга кўра битта туркумга ўртача 2,22 тур тўғри келади. Флорада 9 тадан ортиқ турга эга бўлган полиморф туркумларда 148 та тур жамланган (2-жадвал). Мазкур турлардан 9 тур Ғарбий Помир Олойнинг эндем турлари ҳисобланади. *Astragalus* (38-4,74%), *Cousinia* (19-2,36%), *Allium* (17-2,12%) туркумлари Тоғли Ўрта Осиёдаги локал флоралар сингари тадқиқот ҳудуди флорасида ҳам етакчи ўринда туради (3-жадвал).

Флорада туркумларни таҳлили шуни кўрсатадики, *Astragalus*, *Cousinia*, *Allium*, *Iris* туркумлар турларининг ҳудудда кенг тарқалиши, Сурхон-Шеробод ботаник-географик райони флораси Ўрта Осиёнинг Тоғли минтақаси флораларига яқинлигини кўрсатади. Умумий олганда, флора полиморф туркумларининг спектри чўл флораси билан унча яқин эмас, чунки чўл флорасида ўзига хос бўлган элементлар мавжуд.

## Полиморф туркумлар улардаги турлар сони ва фоиз улуши

№	Туркум	Турлар сони	%
1	<i>Astragalus</i>	38	4,74
2	<i>Cousinia</i>	19	2,36
3	<i>Allium</i>	17	2,12
4	<i>Artemisia</i>	14	1,74
5	<i>Euphorbia</i>	13	1,62
6	<i>Iris</i>	10	1,24
7	<i>Gagea</i>	10	1,24
8	<i>Veronica</i>	9	1,12
9	<i>Valerianella</i>	9	1,12
10	<i>Strigosella</i>	9	1,12
	<b>Жами</b>	<b>148</b>	<b>18,45</b>
	<b>Қолган турлар:</b>	<b>654</b>	<b>81,55</b>
	<b>Жами:</b>	<b>802</b>	<b>100</b>

Бобнинг иккинчи бўлими флоранинг географик таҳлилига бағишланган бўлиб, унда 7 ареал синфга мансуб 26 ареал типлари ажратилди (4-жадвал).

## Сурхон-Шеробод ботаник-географик райони флорасининг географик спектри

Ареал синфлари	Ареал типлари сони	Турлар сони	%
Плюрегионал синфи	1	96	12
Голарктик синфи	1	23	2,87
Палеарктик синфи	3	121	15,08
Қадимийўртаерденгизи синфи	7	295	36,78
Ўртаосиё синфи	5	114	14,2
Тоғлиўртаосиё синфи	3	32	3,99
Помиролой синфи	6	121	15,08
<b>Жами:</b>	<b>26</b>	<b>802</b>	<b>100</b>

Сурхон-Шеробод ботаник-географик райони флорасининг географик таҳлилига кўра Палеарктик (121 тур 15,08%), Помиролой (121 тур ёки 15,08%), ва Қадимийўртаерденгизи (295 тур ёки 36,78%) ареал синфларига мансуб турлар флоранинг  $\frac{2}{3}$  қисмини ташкил этиши аниқланди. Тоғли Ўрта Осиёнинг автохтон турлари (Тоғлиўртаосиё ва Помиролой ареал синфлари) йиғиндиси флоранинг (153 тур ёки 19,07%)  $\frac{1}{5}$  қисмини ташкил қилади. Ареал типларида эса Плюрегионал (96 тур ёки 11,97%), Эрон (76 тур ёки 9,47%), Шарқий-қадимийўртаерденгизи (74 тур ёки 9,22%) ареал типлари юқори ўринларда туради. Қадимийўртаерденгизи ареал синфига мансуб турлар 295 флора таркибининг 36,78 %ни эгаллагани тадқиқотлар давомида маълум бўлди ва бошқа ареал синфларидан турлар сони билан устунлик қилади. Мазкур ареал синфларига мансуб турларнинг 50 %га яқини (160 тур) терофит ўсимликларга тўғри келади.

Бобнинг учинчи бўлими флоранинг ҳаётий шакллар бўйича таҳлиliga бағишланган. Турларни ҳаётий шакллари С. Raunkiaer (1934) таснифи бўйича амалга оширилган. Сурхон-Шеробод ботаник-географик райони флорасида терофитлар турлар сони билан устунлик қилади (34 оила 209 туркумга мансуб бўлган 412 турдан иборат ёки 51,37%), кейинги ўринларда гемикриптофитлар (34 оила 128 туркумга мансуб бўлган 230 турдан иборат ёки 28,68%), криптофитлар (14 оила 24 туркум ва 76 турдан иборат ёки 9,48%), хамефитлар (10 оила, 22 туркумга мансуб 48 турдан иборат ёки 5,98%), фанерофитлар (13 оила 20 туркумга мансуб 36 турдан иборат ёки 4,49). Флорада терофит турларнинг устунлик қилиши ҳудуд флорасига Турон провинциясига хос бўлган турларнинг кўплиги, антропоген омилларининг таъсири юқорилиги, экологик муҳитнинг (тупроқ) хилма-хиллиги ҳамда текислик минтақасининг кенг майдонларга тўғри келиши билан изоҳланади.

Бобнинг тўртинчи бўлими флоранинг қиёсий таҳлиliga бағишланган.

Флоранинг қиёсий таҳлили Бойсун ботаник-географик райони (ББГР) флораси (О. Тургинов, 2017) ҳамда Жануби-шарқий Қизилқум қолдиқ тоғлари флораси (А. Батошов, 2016) билан амалга оширилди. Қиёслаш учун танланган флоралардаги турларнинг ўхшашлик даражаси Р. Jaccard (1901) ўхшашлик коэффиценти ёрдамида аниқланилиб, кластер таҳлили амалга оширилди. Жануби-шарқий Қизилқум қолдиқ тоғлари флораси 374 тур ( $K_j=0,31$ ), Бойсун ботаник-географик райони флораси 521 тур ( $K_j=0,28$ ) бир хил эканлиги аниқланди (5-жадвал).

5-жадвал

#### Қиёсланаётган флораларнинг кўрасатгичлари

Флоралар	Турлар сони	СШБГР билан умумий турлар сони	$K_j$
СШБГР флораси (Ачилова 2021)	802		
Жануби шарқий Қизилқум флораси (Батошев, 2016)	781	374	0,31
ББГР флораси (Тургинов 2017)	1564	521	0,28

Диссертациянинг “Сурхон-Шеробод ботаник-географик райони флорасининг эндем турлари” деб номланган учинчи бобининг биринчи бўлими Сурхон-Шеробод ботаник-географик райони флорасининг эндем турлари таҳлиliga бағишланган. СШБГР флорасида 9 оила, 11 туркумга мансуб 13 та эндем ҳамда 10 оила, 12 туркум, 15 та субэндем турлар тарқалганлиги маълум бўлди. Ҳудуднинг эндем ва субэндем турларга бойлиги минтақанинг жойлашган ўрни, рельефи, тупроғи (олижинсли ёнбағирлик ҳамда қумли барханларнинг мавжудлиги), экологик ҳолатининг хилма хиллиги билан изоҳланади.

Бобнинг иккинчи бўлими Сурхон-Шеробод ботаник-географик райони флораси учун Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига (2019) киритилган турлар таҳлиliga бағишланган. Ҳудудда 21 оила 26 туркумга мансуб 35 камёб ва эндем ўсимлик турлари аниқланган. Мазкур турлардан 3 тур “0” камёблик даражасида, 16 тур “1” камёблик даражасида, 7 тур “2” камёблик даражаси ва

9 тур “3” камёблик даражасига эга. Мазкур турларнинг тўр тизимли хариталари яратилган.

Сурхон-Шеробод ботаник географик райони флорасида турлар хилма хиллиги юқори бўлишига қарамасдан эндем ва субэндем турларга бойлиги минтақанинг жойлашган ўрни, рельефи, тупроғи (олижинсли ёнбағирлик ҳамда қумли барханларнинг мавжудлиги), экологик ҳолатининг хилма хиллиги билан изоҳланади. Юқорида номлари келтирилган турлардан йиғилган гербарий намуналари Ўзбекистон Миллий гербарий фондини бойитишга ҳамда маълум бир гуруҳлар устида тадқиқотчиларнинг келажақдаги ишлари учун замин бўлиб хизмат қилади.

Диссертациянинг тўртинчи боби “Сурхон-Шеробод ботаник-географик райони флорасининг жануби-ғарбий Ҳисор округида тутган ўрни” деб номланади. Ушбу бобда Сурхон-Шеробод ботаник-географик райони ҳудуди Кухитанг, Бойсун ҳамда Боботоғ оралиғида жойлашганлиги, ўзига хос бўлган олажинсли кулранг қизил тупроқ (пестроцвет) ҳамда қумли минтақанинг шаклланганлиги, флорада эндемизм фракцияларининг юқорилиги, округнинг бошқа районлари нисбатан қуруқлиги ҳамда антропоген омилининг таъсири юқори эканлиги ҳудуднинг Жанубий-ғарбий Ҳисор округидаги ўрнини асослаб берган. Жануби-ғарбий Ҳисор округида алоҳида мустақил ботаник-географик район сифатида ажратилиши асосий сабаблардан яна бири, ҳудудда тарқалган *Allium rhodanthum*, *Dipcadi turkestanicum*, *Plocama alshehbazii*, *Plocama botschantzevii*, *Plocama trichophylla*, *Astragalus rubri-galli*, *Andrachne vvedenskyi*, *Phlomooides baburii* сингари эндемларнинг борлигидадир. Ҳудуд учун субэндем бўлган турлар Жануби-ғарбий Ҳисор, Кўхистон ва Нурота округларида тарқалган *Phlomooides sogdiana* (Lamiaceae), Жануби-ғарбий Ҳисор ва Боботоғ флораларидаги гипсли тупроқларда ўсувчи *Spirostegia bucharica* (Plantaginaceae), Жануби-ғарбий Ҳисор ва Кухистон округларида тарқалган *Lipskya insignis* (Ariaceae) шулар жумласидандир. Шу билан бирга минтақа флорасида турлар тоғ ва текислик (чўл) минтақалари флораларини ўзаро боғлаб туриш вазифасини ҳам бажаради, бу ҳолат *Amaranthaceae*, *Brassicaceae*, *Superaceae* оилалар турларига тўғри келиши билан асосланган.

Бобнинг иккинчи қисмида ҳудуддаги антропоген омили таъсирининг кучлилиги ботаник-географик район табиий экосистеманинг кескин ўзгаришига олиб келган, бунга сабаб бўлаётган 1. Чорва молларининг тартибсиз ва бетизм равишда кўп ўтлатилиши (боқилиши); 2. Газ ва нефът конларининг очилиши; 3. Лалми экинзорлар ташкил қилиш учун ерларни ўзлаштирилиши; 4. Саноат зоналарининг (ғишт завод) барпо қилиниши ва қурулиш учун хом ашёларнинг қовланиши билан намоён бўлади

## ХУЛОСАЛАР

“Сурхон-Шеробод ботаник-географик райони флораси” мавзусидаги фалсафа доктори диссертация бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Ўрганилган флора учламчи олажинсли ҳамда тоғли Бактрия флораси таркибига кирувчи турларга бой Жанубийпомиролой флорасидир.

2. Илк бор Сурхон-Шеробод ботаник-географик райони флораси учун 66 оила 362 туркумга мансуб 802 тур таркиби аниқланди. Аниқланган турлардан фан учун янги 5 тур (*Plocama alshehbazii* F.O. Khass., D. Khamr., U. Khuzh. & Achilova, *Iris victoris* F.O.Khass., Khuzhan. & Rakhimova, *Iris petri* F.O.Khass., Rakhimova & Achilova, *Iris rudolphii* F.O.Khass., Esankulov & Achilova, *Allium nikolai* F.O. Khass. et Achilova), Помир-Олой учун 2 тур (*Amoria bonannii*, *Paspalum dilatatum*), тадқиқот ҳудуди флораси учун 2 тур (*Allium dolichomischum*, *Ephedra strobilacea*) тақдим этилди. Ҳар бир турнинг, замонавий конспекти тузилди. Тадқиқ этилган флора типик Помир-Олой флораси ҳисобланиб, генезиси асосини Қадимий Ўртаер денгизи турлари ташкил этади.

3. Турларнинг ареал типлари бўйича тақсимланиши таҳлилига кўра, Помиролой ареал синфига мансуб бўлган турлар Помир-Олойнинг автохтон турлари ҳисобланиб, қуйи тоғ ва адир минтақаларидаги олажинсли ёнбағирликларида макон топган. Қадимийўртаерденгизи ареал синфига кирувчи турлар текислик ва адир минтақаларида кенг тарқалган. Майда тупроқли, тошли-шағалли ёнбағирликларда эса Қадимийўртаерденгизи ва Ўртаосиё ареал синфи турлари тарқалган. Антропоген омили таъсири остида қолган ҳудудларда Плюрегионал ва Голарктика синфларга мансуб турлар кўп учрайди.

4. Кенг кўламли таҳлиллар натижасида Сурхон-Шеробод ботаник-географик район флорасида тарқалган терофит турларнинг устун туриши аниқланди. Бунга асосий сабаблари ҳудуд флорасига Турон провинциясига хос бўлган турларнинг кўплиги, антропоген омилларининг таъсири юқорилиги, экологик муҳитнинг (тупроқ) хилма хиллиги ҳамда текислик минтақасининг кенг майдонларга тўғри келиши билан изоҳланади.

5. Флоранинг эндемизм фракциясини 9 оила 11 туркумга мансуб 13 эндем ва 10 оила 12 туркумга тегишли 15 субэндемлар ташкил этиши аниқланди. Эндемизм фракциясининг таҳлили тадқиқот ҳудудини Ғарбий Ҳисор округида алоҳида аҳамиятга эга бўлган ботаник ҳудудлардан бири сифатида эътироф этиш имкониятини беради. Флорада Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган 35 тур учраши бунинг энг асосий омили ҳисобланади.

6. Сурхон-Шеробод ботаник-географик райони флорасидаги турларнинг тарқалишини акс эттирувчи тўр тизимли хариталар яратилди ва табиатни муҳофаза қилиш, давлат кадастрини юритиш амалий фаолиятлари учун тавсия этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.06.2020.В.70.03  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ  
КАРШИНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**ДЖИЗАКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ  
ИНСТИТУТ**

**АЧИЛОВА НАРГИЗА ТУХТАНАЗАРОВНА**

**ФЛОРА БОТАНИКО-ГЕОГРАФИЧЕСКОГО РАЙОНА  
СУРХАН-ШЕРАБАД**

**03.00.05 – Ботаника**

**АВТОРЕФЕРАТ  
диссертации доктора философии (PhD) по биологическим наукам**

**Карши – 2021**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по биологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2018.4.PhD/B239**

Диссертационная работа выполнена в Джизакском государственном педагогическом институте. Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (<http://qarshidu.uz>) и в информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Хасанов Фуркат Орунбаевич</b> доктор биологических наук, проф.
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Язиев Лутфулло Ҳабибуллаевич</b> доктор биологических наук, профессор <b>Тажетдинова Диларом Мнажатдиновна</b> кандидат биол.наук
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Гулистанский государственный университет</b>

Защита диссертации состоится «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 года в \_\_\_ часов на заседании Научного совета PhD.03/30.06.2020.B.70.03 при Каршинском государственном университете. (Адрес: 180103, г. Карши, ул. Кучабог, дом 17. Тел.: (+99875) 221-21-27, факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qardu@mail.ru; kshaniyaz@bk.ru.). Каршинский государственный университет, Физико-математический факультет, кабинет №102.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Каршинского государственного университета (зарегистрировано за № \_\_\_\_). Адрес: 100174, г. Карши, ул. Кучабог, дом 17. Тел.: (+99875) 221-21-27. e-mail: qardu@mail.ru; kshaniyaz@bk.ru.

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 г.  
(реестр протокола № “\_\_\_” от “\_\_\_” \_\_\_\_\_ 2021 г).

**Ш.Қ. Қурбонов**  
Председатель научного совета по присуждению  
учёных степеней, д.б.н., профессор

**Ш.А. Саматова**  
ученый секретарь научного совета  
по присуждению учёной степени, кандидат  
биологических наук, доцент

**Л.Х. Язиев**  
Председатель научного семинара при научном  
совете по присуждению учёной степени, доктор  
биологических наук, профессор

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Сохранение биоразнообразия в мире является одним из основных глобальных вопросов сегодняшнего дня и в последние годы под влиянием различных биотических, абиотических и антропогенных факторов число подобных проблем все больше возрастает. Специалисты Центра сохранения биоразнообразия Америки утверждают, что в Земном шаре каждый час примерно 3 вида флоры и фауны находятся на грани полного исчезновения и некоторые из них полностью не изучены учеными. С этой точки зрения, оценка состояния локальных флор на основе современных методов инвентаризации, а также разработка мер сохранения редких и эндемичных видов приобретают важное практическое значение.

В мире большое внимание уделяется разработке международных программ, посвященных определению разнообразия локальных флор, сохранению и защите исчезающих видов. В этом отношении, разработаны новые эффективные методы инвентаризации локальных флор. Особое внимание уделяется созданию сетевых карт, отражающих распространение видов в местной флоре и реализации мероприятий по сохранению исчезающих растений.

На сегодняшний день в нашей республике большое внимание уделяется на определение и сохранение разнообразия видов локальных флор и на оценку запаса растительного сырья. В этом направлении, в частности, создана электронная база данных флоры всей республики и внедрена практика сохранения редких видов методом *ex-situ*. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан<sup>2</sup> поставлена задача "... предотвращение экологических проблем, наносящих урон состоянию окружающей среды". Исходя из этих задач, определение таксономического состава флоры, оценка распространения видов сеточными картами, разработка мер сохранения редких, исчезающих и эндемичных видов ботанико-географического района Сурхан-Шерабад приобретают важное научно-практическое значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Постановлениями Кабинета Министров Республики Узбекистан № 914 "О введении государственного учета объёмов использования и государственного кадастра объектов животного и растительного мира" от 7 ноября 2018 года, № 1034 "О мерах по организации подготовки, издания и ведения Красной книги Республики Узбекистан" от 19 декабря 2018 года, № 484 "Об утверждении Стратегии по сохранению биологического разнообразия в Республике Узбекистан на период 2019-2028 годы" от 11 июня 2019 года, а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

---

<sup>1</sup>Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 "О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годах" от 7 февраля 2017 года.

